

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

«Архитектура» факультети

«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

**Битирув малакавий иши(лойихаси)нинг
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

**Мавзу: Пайариқ туманидаги спорт мажмуасининг дизайн
ечими**

**Дипломант: Хандамов А
Раҳбар: Қурбонов Ш.С
«Ландшафт дизайни ва интерьер»
кафедраси мудири: Қурбонов Ш.М**

Самарқанд-2017

МУНДАРИЖА

1. Кириш
2. Архитектуравий режалаштириш қисми
3. Бадий қисми
4. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги қисми
5. Экология қисми
6. Хулоса
7. Адабиётлар рўйхати

КИРИШ

ҚУДРАТЛИ МАМЛАКАТНИНГ СОҒЛОМ АВЛОДИ



Баркамол авлодни тарбиялашнинг самарали омили бўлган болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик юксак самаралар бераётир.

Бугун ёшларни жисмоний ва маънавий ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилгани ҳар томонлама тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Юртимиздаги барча спорт мактабларида тиббиёт бўлимлари мавжуд бўлиб, юқори малакали шифокор ва ҳамширалар болаларнинг саломатлигини, мактабнинг санитария-гигиена ҳолатини доимий назорат қилиб боради. Болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги, жисмоний ва руҳий ҳолати қайд этиб борилади. Тошкентнинг марказида қад ростлаган спорт мактаби билан олис Қўнғиротда барпо этилган спорт мактабида яратилган шарт-шароит, имконият, спорт жиҳозлари ва мураббийлар билан таъминланишининг деярли фарқи йўқ. Сўнгги йилларда спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда ғалабага эришиши одатий ҳолга айланди. Бундай қувончли воқеаларнинг деярли ҳар куни бўлаётгани ўзбек спортининг жаҳон миқёсида юксак поғонага чиққанидан далолатдир.

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Аммо бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилмаганини, унинг замирида тинимсиз меҳнат, ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, кенг қамровли ва тизимли чора-тадбирлар мужассам эканига кўпинча эътибор бермаймиз. Собиқ тузум даврида қанчадан-қанча истеъдодли спортчилар иқтидорига рағбат кўрсатилмай, улар жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш тўғрисидаги истакларини юрагининг туб-тубига яшириб, “тоғу тошлар орасида номи чиқмай” қолиб кетганди.

Бугун Ватан шаъни учун майдонга чиқиб, Ўзбекистоннинг юксак спорт салоҳиятини бутун дунёга тан олдираётган спортчиларимиз буюк аجدодларимизга муносиб ворис бўлишга қодир, ҳар томонлама етук ёшлар камолга етаётганини исботламоқда.

Паяриқ тумани - Самарқанд вилоятидаги туман. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган (маркази Челақ қишлоғи бўлган). 1953 йил Паяриқ туманининг бир қисмидан Наримонов тумани тузилган. 1959 йилда Наримонов тумани Паяриқ туманига қўшилган (маркази Наримонов қишлоғи). 1991 йилда Паяриқ туманидан Челақ тумани ажралиб чиққан. 2001 йилда яна Паяриқ тумани билан Челақ туманлари бирлаштирилиб, улар негизида Паяриқ тумани ташкил қилинди (маркази Паяриқ.ш.). Паяриқ тумани ўртача 610 м баландликда. Шим.-ғарбдан вилоятнинг Қўшработ, ғарбдан Иштихон, жан.дан Оқдарё ва Жомбой туманлари, шим.дан Жиззах вилоятининг Фориш, шим.-шарқдан Ғаллаорол туманлари билан чегарадош.

**АРХИТЕКТУРАВЙЙ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ҚИСМИ**

Битирув малакавий иши (лойихаси) мавзуси “**Пайариқ туманидаги спорт мажмуасининг дизайн ечими**” бўлиб, улар Бош режа, фрагментлар, топографик режа, ва шу каби дизайн элементларидан ташкил топган.



Паяриқ туманида 98 умумий таълим мактаби, 2 мусиқа, 3 спорт, 1 футбол мактаблари, 2 адабиёт ва тил маркази, Челак саноат-транспорт, Паяриқ, Ал Бухорий қишлоқ хўжалиги коллежлари мавжуд. Марказий кутубхона ва унинг 61 тармоғи, 2 болалар, 1 махсус кутубхона, марказий маданият уйи, шаҳар, 24 қишлоқ маданият уйлари, 3 автоклуб, халқ театри ишлаб турибди.

Тумандаги марказий касалхона ва унинг Челак, Н.Азизов, Охунбобоев, Навоий, Оққўрғон, Кўлтўсин ҳудудий бўлимлари, 2 тез тиббий ёрдам бўлими (жами 565 даволаш ўрни), 2 поликлиника, 30 қишлоқ врачлик пункти, 47 фелдшер- акушерлик пунктида 284 врач, 1825 ўрта ва кичик тиббий ходим ишлайди. Туман ҳудудидан Самарқанд — Паяриқ — Қўшработ ўллари орқали Навоий, Жиззах вилоятига, Самарқанд — Челак — Митан орқали Қўшработ тумани ҳамда Навоий вилояти йўналиши бўйича автобуслар қатнайди.

Майдони 1,29 минг км². Аҳолиси 182,9 минг киши (2003). Туманда 2 шаҳар (Паяриқ, Челак), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гулистон, Кўкдала, Кўлтўсин, Саноат, Чоштепа, Қорасув) бор. Туман маркази — Паяриқ шаҳри

Табиати. Туман ҳудуди Нурота тоғ тизмаларининг жан.да жойлашган.

Релефи шим.да тоғлар, адирлар, тоғ оралиғи ботиклари, жан. қисми текисликдан иборат. Тупроқлари, асосан, оч бўз тупроқ, тоғ этакларида тўқ бўз тупроқ, жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари.

Паяриқ туманидаги спорт мажмуасининг дизайн ечими мавзусидаги БМИ нинг архитектуравий режалаштириш қисми бўйича, мавжуд бинолар билан бир бирига уйғунлик, меъморий режавий ҳамда шаҳарозлик нормалари ҳисобга олинган. Бундан ташқари **Спорт мажмуаси** Бинолар типологияси бўйича жамоат бинолар таркибига кирганлиги сабабли қуйида жамоат биноларининг таснифланишини кўриб чиқамиз:

Жамоат биноларининг таснифланиши



Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари (функциялар), аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композиясининг ғоявий-бадий тасвирланиши бўйича таснифланади. Жамоат биноларининг жойлашиш ўрни унинг аҳамиятига, унга шаҳар қишлоқ, туман ёки микрорайон аҳолисининг еhtiёжи даражасига, хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига кўра аниқланади. У ёки бу гуруҳдаги жамоат биноларининг ҳажмий-режавий тузилмаси кўп йиллик лойиҳа-қуриш ва улардан фойдаланиш амалиёти натижасида шаклланади.



Бу кўп йиллик шаклланиш асосида режалашнинг ва ҳажмий-фазовий композициянинг мақбул (оптималь) тизимлари белгиланади (ўрнатилди) ва бу тизимлардан типик тарзда фойдаланилади. Худди шу асосда жамоат бинолари ташқи қиёфасининг характери, уларнинг бадий тасвири ҳам шаклланади. Буларнинг барчаси ҳар хил турдаги жамоат биноларининг типологик характеристикасини яратиш учун шарт-шароит ҳозирлайди.

Бу типологик характеристика жамоат биноларини асосий типологик белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш имконини беради. Иқлим шароитлари, табиат, аҳолининг турмушидаги маданий-маиший жиҳатлари ва халқнинг анъаналари жамоат биноларининг композициясида ўз аксини намоён этади, лекин уларнинг типологик характеристикаларини ўзгартирмайди.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, жамоат биноларининг қуйидаги гуруҳларини таклиф қилиш мумкин:


- ўқув –тарбия ва илмий муассаса бинолари;
- томоша кўрсатишга мўлжалланган бинолар;
- спорт иншоотлари;
- савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари;
- маъмурий ва коммунал хизмат кўрсатиш бинолари;
- транспорт иншоотлари;
- даволаш, профилактика бинолари.

Жамоат биноларининг асосий белгилари

Жамоат бинолари кўп сонли ташриф буюрувчиларнинг вақтинчалик ташрифи учун мўлжалланган (театр, универмаг, стадион ва бошқалар). Шунинг учун коммуникация ҳамда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва уларни қутқариш жамоат бинолари учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунга боғлиқ равишда жамоат биноларида кўндаланг ва бўйлама боғловчилар (вестибюллар, йўлаклар, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар ва бошқалар)га катта эътибор қаратилади. Шунингдек, жамоат биноларининг характерли белгилардан бири, бу-кўп сонли одамларга мўлжалланган хоналар (заллар)нинг мавжудлигидир.

Одатда, жамоат бинолари микрарайонда, турар жой ҳудудида, шаҳар ёки қишлоқда марказий ҳолатни егаллайди ва архитектуравий ансамблларни яратишда асосий объект бўлиб хизмат қилади.

Жамоат биноларининг классификацияси



Хар бир жамоат биноси тегишли вазифаларни бажариш учун мўлжалланган асосий хоналар (мактабда-синфлар, олий ўқув юртида -аудиториялар, театрда-томоша заллари, универгмагда-савдо-сотик заллари ва ҳ.к.) га ега бўлади. Асосий хоналардан ташқари, ҳар бир жамоат биноси ёрдамчи хоналар (вестибюллар, фойе, йўлаклар, зинапоялар ва бошқалар)га ҳам ега бўлади.

Алоҳида асосий ва ёрдамчи хоналарни жамоат биноларининг элементлари деб номлаш қабул қилинган. Жамоат биноларининг кўплигига ва турли-туманлигига қарамасдан уларнинг барчаси кўплаб бир турдаги хоналарга ега бўлади, бу бир турдаги хоналар уларни умумлаштириш, гуруҳларга бўлиш, уларга умумий характеристика бериш ва лойиҳалашнинг асосий талаблари ва жиҳатларини белгилаш (ўрнатиш) имкониятини беради. Жамоат биноларининг барча асосий ва ёрдамчи хоналарини ҳамда жойларини санаб ўтиш ва уларга таъриф бериш имкониятини тасаввур қилиш мумкин.

Фақатгина лойиҳалаш амалиётида кўп учрайдиган асосий ҳамда ёрдамчи хоналар ва жойларни санаб ўтишга ва уларга таъриф беришга тўхталамиз, холос. Ёрдамчи хоналарга вестибюллар, фойелар, кўндаланг (зинапоялар, лифтлар, нишабли йўлаклар, эскалаторлар)



боғловчилар, санитария узеллари киради.

Асосий хоналар уларнинг сонига ва бажариш вазифаларининг турлитуманлигига боғлиқ равишда кўпроқ қизиқиш уйғотадиган, катта миқдорда ташриф буюрувчиларни сиғдирадиган катта ўлчамли заллардир. Уларга қуйидагилар тааллуқдир:

- театр, кино, сирклар ва бошқа томоша муассасаларининг томоша заллари;
- кўргазмалар, музейлар, картинали галереяларнинг намойиш қилиш заллари;
- жамоат мажлиси(актовий) заллар;
- спорт билан шуғулланиш ва жисмоний тарбия заллари;
- кутубхоналарнинг ўқув заллари;
- турли вазифали савдо-сотик заллари;
- ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот содир бўладиган банк, жамғарма кассалари, почта, вокзал, аэропорт ва бошқа муассасалардаги операцион заллар.

Маъмурий бинолардаги (иш кабинетлари) ва ўқув юртларидаги иш хоналари (мактаблардаги синфлар ва лабораториялар, олий ўқув юртлари ва коллежлардаги аудиториялар ва чизмачилик кабинетлари) катта турлитуманликка ва кенг оммавийликка егадир.

Вестибюллар. Жамоат биносини ташқи муҳит (кўча, майдон) билан боғлайдиган хона вестибюл деб аталади. Ташкилот, муассаса, корхона ходимлари, ишчи ва хизматчилари ҳамда томоша муассасаларига ташриф буюрадиганлар ёки томошабинлар ишчи хоналарга ва томоша залларига вестибюл орқали ўтишади.

Вестибюл орқали ўтувчилар, вестибюлда қайси томонга юриш кераклиги ҳақида маълумот оладилар, қабулни кутадилар ва ҳ.к. Кўп ҳолларда вестибюлларга газета ва журналлар, сувенирлар, салқин ичимликлар харид қилинадиган киоскалар, шунингдек, томоша муассасаларида чипта харид қилиш кассалари жойлаштирилади. Буларнинг барчаси вестибюлнинг вазифаларини янада кенгайтиради ва мураккаблаштиради ҳамда уларни лойиҳалашга катта ётибор қаратилишини талаб этади.

Вестибюл жамоат биносининг биринчи хонаси сифатида, унинг ишлаш характери, унинг аҳамияти, архитектуравий жиҳатлари ҳақида маълумот беради. Шунинг учун вестибюл интерери кўркем, тантанали кўринишга ега бўлиши лозим. Ташриф буюрувчиларнинг ҳаракат жадвалига ҳам жиддий талаблар қўйилади. Айниқса бундай талаблар томоша муассасаларининг вестибюлларига кўпроқ тааллуқлидир, чунки бу ерда бир вақтда томошабинларнинг катта оқимлари ҳаракатланиб, бунда бу ҳаракатга қарши ва унга кесишувчи оқимларнинг юзага келишига йўл қўймаслик тақозо етилади. Бу масала гардероб ва кассалар билан бирлашган вестибюлларда анча мураккаблашади.

Гардеробли вестибюллар майдони юзасининг мейўри кенг диапазонда ўзгаради: ҳар бир кишига 0,25дан-0,4м² гача. Вестибюлнинг ўтказувчанлик қобилияти қанчалик кичик бўлса, унга шунчалик кўп майдон меъёрини белгилаш тақозо

етилади, кичик (паст) меъёрий ўлчам ораликларига ҳисобланган вестибюллар, тор, ноқулай ва кўркамлиқ, тантаворликдан холис бўлади. Алоҳида муҳим аҳамият касб етадиган жамоат бинолари вестибюллариининг майдонида зарур бўлган тантаворлик ва монументалликни яратиш учун олий меъёрий ўлчамлар бўйича ҳисоблаш тақозо етилади.

Гардеробларнинг майдони ҳар бир кишига тўғри келадиган $0,08-0,1 \text{ м}^2$ норматив юза бўйича ҳисобланади. Бу майдонга кийим осгичлар ва гардеробни ташриф буюрувчилардан ажратиб турадиган тўсиқ ортидаги ўтиш йўлакчаси жойлаштирилади. Кийим осгичлар бир томонлама жойлаштирилган ҳолда, гардероб олдида ени 3 м. бўлган, агар икки кийим осгичлар икки томонлама жойлаштирилса, у ҳолда ени 6 м. бўлган еркин ўтиш оралиғи қолдирилади. Алоҳида гардеробларнинг майдони ҳар бир киши учун $0,2 \text{ м}^2$. ни ташкил етиши, кийим осгичлар орасидаги ўтиш йўлакчасининг ени 0.7 м. дан ени еса 1 м.дан кам бўлмаслиги лозим. Гардеробнинг мақбул енини белгилаш муҳим аҳамият касб етади.

Вестибюл ўз жойлашиш ўрнига кўра бино хоналарини ташқи муҳит билан боғлайдиган тугун ҳисобланади. Уни бино биринчи қаватининг марказий қисмига жойлаштириш табиий ва қулайроқдир, чунки бундай жойлаштиришда ички коммуникациялар бўйича юриш масофаси қисқаради. Бинога вестибюл орқали кириш аниқ ва равшан кўриниб туриши ва тушунарли бўлиши лозим. Вестибюл олдида кенг, тантанавор зинапоя ва автомашиналарни қўйишни ҳам ҳисобга олган ҳолда бинога кириш йўли қуриш кўзда тутилиши тавсия етилади. Қор ва ёмғирдан ҳимояланиш мақсадида вестибюлга кириш жойида козирёк ёки айвоннинг ўрнатилишини кўзда тутиш лозим. Шу сабабли вестибюлни бинога кириш жойига туташган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир ва ҳ.к. Агар бино катта узунликка ега бўлса ёки бир нечта мустақил қисмлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда бинога икки ёки бир нечта вестибюл ўрнатиш мумкин. Бундай ҳолларда улардан бош вестибюлни аниқлаш ва архитектуравий-бадий воситалардан фойдаланиб, унга тегишли бўлган мос кўринишни (дизайнни) танлаш тақозо етилади.

Очиқ спорт иншоотлари мажмуаларида ташқи хожатхоналар, ободонлаштирилган майдончалар, сув ичиш фонтанчалар бўлган дам олиш майдончалари ва бошқа ободонлаштириш қисмлари (електр ёритиш, тегишли копламалар, кўкламзорлаштириш, сув билан бостириш)ни кўда тутиш лозим.

Очиқ спорт иншоотларини ўқув лабораториялари, кутубхона, илмий-текшириш хоналарининг ойналари томонидан жойлаштириш тавсия етилмайди; айтиб ўтилган хоналарнинг ойналари билан спорт иншоотларининг орасидан масофа 50 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Тегишли масофани таъминлаб бўлмаган ҳолатда шовқиндан ҳимоя қилиш учун турли қурилмаларни ишлатишни, талабга жавоб берувчи чораларни ҳаракатдаги санитария ва қурилиш меъёрларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш зарур.

Мажмуанинг асосий иншооти, бу - стадиондир, яъни томошабинлар учун мўлжалланган трибунали асосий спорт аренаси. Томошабинларнинг сони ҳамда уларга хизмат кўрсатувчиларга, мусобақалар, спорт машғулотларининг турлари ва характериға кўра стадионларнинг турлари белгиланади.

Замонавий стадионларнинг спорт аренаси босқичма-босқич шаклланиши жараёнида антик тузилишиға нисбатан таркиби ва ўлчамлари жиҳатидан юқори даражада такомиллашди. Бундай стадионлар стандарт ўлчамли, радиуси 36 м. бўлган ва 400 м. масофаға югуриш йўлкаси билан ўралган футбол майдонидан (104x69 м.) ҳамда енгил атлетика учун мўлжалланган секторлардан ташқил топган. (-расмға қаранг).


Стадионда томошабинлар сифимиға кўра трибуналар спорт аренасининг бир ёки икки томонида жойлашади. Улар тақасимон, овал, еллипссимон ёки бошқа ёпиқ ҳалқасимон шаклда бўлиши мумкин.

Ўлчамларига кўра стадионлар қуйидаги тоифа (категория)ларға бўлиниши мумкин:

- трибунаси 1500 – 3000 ўриндиқли кичик стадионлар;
- трибунаси 2000-10000 ўриндиқли, майдони камида 5-6га бўлган ўртача катталиқдаги стадионлар;

- трибунаси 10000-50000 ўриндиқли, майдони камида 10-15 га бўлган катта стадионлар;
- трибунаси 50000 дан кўп ўриндиқли, майдони камида 20-25 га бўлган;
- Олимпик типдаги стадионлар.

Тахминий спорт иншоотлари тизими, тавсия етиладиган кичик, ўрта ва катта стадионлар (ҚМҚ 208.02.06.- ЖНҚ 208.02.07) лойиҳалаш меъёрларида келтирилган.



БАДИЙЙ ҚИСМ

Битирув малакавий иш мавзуси «**Пайариқ туманидаги спорт мажмуасининг дизайн ечими**» бўлиб, мажмуанинг комплекс дизайни ечими масаласи караб чиқилган.

Диплом лойиха иши:

Бино бош режаси, (ген план), логотип, пиктограммалар, дам олиш жойлари, уриндиклар, ахборот қурилмаси ва шу каби интерьер-дизайн элементларидан ташкил топади.



Битирув малакавий иш мавзуси “**Пайариқ туманидаги спорт мажмуасининг дизайн ечими**” бўлиб, лойихалаш давомида ушбу объект қуриладиган жой чуқур ва обдон ўрганиб чиқилди, унинг майдони, ўлчамлари, элементлари ва унга дизайн ечим бериш учун зарур қилинадиган ишлар бажарилди.

Битирув малакавий иш мавзуси “**Пайариқ туманидаги спорт мажмуасининг дизайн ечими**” мавзусида бўлиб, 2400x1600мм ўлчамли баннерда компоновка қилинган. Асосий интерьер ва қўшимча дизайн элементларидан ташкил топган.

Умуман спорт иншоотлари ва павильонлари ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Спорт иншоотлари очик спорт майдончаларини ва стадион иншоотлари, очик сув ҳавзалари, яхта клублар, ешкак ешиш станциялари, мерганлик турлари ва стендларини, шунингдек, турли спорт ўйинлари учун майдончаларни йил давомида (волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларни) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади.

Спорт иншоотларининг мақсадларига кўра хоналар, майдончалар ҳам турличадир.

Шу сабабли уларни режалаштиришда

композицион усуллар хилма-хил характерга ега.

Содда композициядаги спорт павилони тўғри тўртбурчакли режага ега бўлиб, бинонинг



фронтал ёки ён тарафидан аёллар ва еркаклар учун умумий ягона кириш қисми мавжуд.

Павилонларни лойиҳалашда вестибюлдан фойдаланаётган ва спорт залига томон ҳаракатланаётган спортчилар оқимининг бўлинишини инобатга олган ҳолда улар учун қулай ҳаракатланиш жадвалини таъминлаш керак.

Кичик ёки ўртача катталиқдаги стадионда барча очик спорт майдон ва майдончаларга хизмат кўрсатишни қулайлаштириш мақсадида спорт павилонининг марказда жойлашиши мақсадга мувофиқ.

Кичик спорт иншоотлари учун қуйидаги хоналар тизими назарда тўтилади: вестибюл гардероби билан сақлаш хонаси, конқиларни таъминлаш ва тақдим этиш хонаси, буфет, санитария гигиена тугунлари, спорт анжомлари хонаси; спорт зали, ёрдамчи ва

хизмат кўрсатувчи хоналар билан, хусусан, аёллар ва еркаклар кийим алмаштириш хонаси, душ ва туалетлари билан, массаж, тиббий хонаси, кўрсатмалар бериш, анжомлар, радиоузел; иситиш ва шамоллатиш хонаси ва бошқалар.

Ҳар хил турли катта спорт павилонлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг хоналар тизимига бир нечта спорт заллари, сузиш сув ҳавзалари, сувга сакраш мосламалари ва бошқалар киради. Бундай павилонларда спорт турлари бўйича ўқув-машқлар сифати яхшиланади ва бино ҳамда стадион ҳудудидан янада унумлироқ фойдаланиш имконияти туғилади.



Универсал спорт заллари

Универсал спорт заллари спортнинг тараққий этиши натижасида ва йил давомида спорт турлари (гимнастика, енгил ва оғир атлетика, бокс, спорт ўйинлари, велопойгалар, ҳоккей, конкида фигурали учиш ва бошқалар) бўйича намоиши ўқув-машқларини, демонстрация ишларининг олиб борилиши талаблари асосида пайдо бўлди ва кенг тарқалди.

Универсал спорт заллари ўзгарувчан спорт аренасига, 10-15 минг томошабинга мўлжалланган трибунага,

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

шунингдек, машғулот заллари ва қуйидагича тартибдаги томошабин ва спортчиларга хизмат кўрсатувчи хоналарга ега: кириш (томошабинлар учун) хоналари, кулуарлар, буфет, киоск ва томошабинлар учун туалет; спортчилар



учун хоналар – вестибюл гардероби билан, кийим алмаштириш, душ ва туалет, массаж, тиббиёт қисми, ҳакамлар, дам олиш хоналари, буфетлар, услубиёт хоналари ва бошқалар; маъмурий-хўжалик - раҳбарият, хўжалик бўлими, кассалар, муҳофаза хонаси, ўқув бўлими, почта-телеграф ва бошқалар; ёрдамчи қўшимча хоналар - совитиш мосламалари учун, иситиш, шамоллатиш, трансформатор подстанцияси, устахоналар ва бошқалардан иборат бўлади.

Бинода ўлчамлари 30x61м. бўлган спорт аренаси, 15000 ўринли трибуна, ўқув – машғулот спорт зали ва спортчиларга ҳамда томошабинларга хизмат кўрсатувчи хоналар жойлашган.

Спорт аренасидан турли мақсадларда фойдаланилади. Унда ҳоккей ўйинлари, гимнастика ва бокс бўйича мусобақалар, ўқув – машғулотлар ёки сунъий муз устида фигурали учуш демонстрациялари ўтказилади. Боксларга томошабинлар учун йиғма ўриндиқлар ўрнатилиши билан томошабин сифими 17500 кишига етади.

Зал спортчилар ва томошабинлар учун барча турдаги замонавий жихозлар билан таъминланган. Трибуналарнинг тўлиши ва эвакуацияси биринчи қаватда зални ўраб турувчи вестибюл, иккинчи қаватда кулуарлар ёрдамида амалга оширилади.

Трибуналарда суянчиқли, ёндошсиз ўриндиқлар ўрнатилган. Ўриндиқнинг бир томошабин учун ени 40см. кўндаланг ўтиш йўлаклари орасидаги ўринлар сони 35-50 гача. Томошагоҳ қаторлари чуқурлиги 75см. Ёлқлар орасидаги секцияларда 800 дан 1150 нафаргача томошабин жойлашади. Ени 1.5м бўлган эвакуация люкларига (ҳар 650 кишига) эвакуацион ўтиш йўлагининг 1 пог. метри тўғри келади. Залнинг баландлиги 18 метр, қурилиш кубатураси 248000 м³. Бино конструкцияси каркас, 6х6м конструктив сеткали, йиғма темир-бетондан ташқил топган. Залнинг ёпма оралиғи 78 м. бўлиб, металл фермалар асосида бажарилган.

Мадриддаги спорт ўйинлари залининг режаси тўғри тўртбурчакли, асосий кириш фасаднинг олд қисмида жойлашган.



Аввалги схемалардан фарқли ўлароқ залнинг асосий қисми бу ерда олдинга туртиб чиққан ва қўшимча хоналар жойлашган икки қисм билан бирикади. Томошабинлар уч қаватли театр кўринишидаги трибуналарда жойлашади. Зал ёпмасининг ўзига хослигини айтиб ўтиш жоиз, бунда ойнабанд икки қўшма қобиқ кўринишидаги ёпма бўйлама йўналиш бўйича ўзаро боғланган. Ёпманинг йил давомидаги машқ ва демонстрация ишларидан мақсад.

Бунинг учун сув ҳавзаси биноларининг томларида дарчалар очиш, баъзи ҳолларда еса томни тўлиқ очиш назарда тутилади.

Ёпиқ спорт сув ҳавзалари (бассейнлар).

Ёпиқ спорт сув ҳавзаларида жойлашадиган асосий хоналар гуруҳи:

- спортчилар ва томошабинлар учун кириш хоналари (улар умумий ёки алоҳида бўлиши мумкин), вестибюл, гардероблар, туалетлар;

- сузиш учун мўлжалланган ҳовузли зал;

- спортчиларга хизмат кўрсатиш хоналари – «курук сузиш» машғулотларини ўтказиш зали, кийим алмаштириш, душ, туалет ва массаж хоналари, тиббий хона, анжомлар, иситкич-қуритгич, йўл-йўриқ бериш хонаси, услубий ва бошқалар;

- томошабинларга хизмат кўрсатиш хоналари - кулуарлар, буфетлар, киосклар, туалетлар;

- маъмурий – хўжалик хоналари – директор хонаси, хўжалик бўлими, ўқув бўлими, рўйхат бўлими, кассалар ва бошқалар;

- ёрдамчи қўшимча хоналар - филтрлар, хлоратор, дезинфекция, лаборатория, устахона, омборхоналар ва бошқалардан иборат.

Спорт сув ҳавзаларини лойиҳалашда сузиш мақсадида пояфзалсиз, спорт кийимидаги спортчиларга алоҳида йўлаклар еътиборда тутилиши зарур.

Спортчиларнинг ҳовузли залгача ҳаракатланиш кетма-кетлиги: вестибюл ва гардероб, рўйхат бўлими, кийим алмаштириш, ўқув–машғулот зали (курук сузиш), ҳовузли залга кираверишдаги душ мосламалари, ҳовузли зал. Залдан чиқиш кетма-кетлиги тескари тартибда амалга ошади.(-расмга қаранг).

Шаҳар қурилиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда сув ҳавзаларининг мақсадли белгиланиши, сиғими ва бошқаларга қараб қишки сув ҳавзали бинолар шаҳарнинг алоҳида қисмида, стадион ҳудудида, мажмуа (мажмуа)нинг бошқа спорт биноларида, шаҳар ёки туман оромгоҳида жойлашиши мумкин. Одатдаги сув ҳавзали бинолар ҳовузнинг ўлчамларига боғлиқ равишда тўғри тўртбурчакли шаклда бўлади.

Мамлакатимиздаги спорт сув хавзаларини лойихалаш ва кўриш амалиётида ўқув-машғулот ишлари ва мусобақалар ўтказиладиган турдаги сув хавзалари кенг тарқалган. Бу турдаги биноларнинг кириш қисми қисқа, ён томонда жойлашган.

Кириш қисмининг бундай лойиҳаланиши залнинг бўйлама узунлиги бўйича хизмат кўрсатувчи хоналарни оқилона (рационал) жойлаштириш имконини бериб, аёллар ва еркакларнинг икки алоҳида йўналишда ҳаракатланишига еришилади. Бу композицион усул, албатта шаҳар қурилиши талабларига ва қўшимча хоналарни жойлаштириш шартларига боғлиқ ҳолда фронтал ёки бошқа қурилмаларни инкор етмайди.

Қурилиш харажатларини камайтириш мақсадида спорт сув хавзаларини алоҳида биноларда ёки бошқа бинолар (ҳаммомлар, олий ўқув юртлари, мактаблар ва бошқалар) ичкарасида жойлаштириш мумкин.

Катта универсал 50x20м. ҳовузи, сакраш қурилмаси ва трамплини ҳамда 1000 ўринли трибунаси бўлган сув ҳавзасининг иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагича: қайта қуриш майдони тахминан - 3000 м², бино ҳажми – 40000 м³. атрофида, кичик сув ҳавзасининг ҳовузи билан қурилиш майдони – 25x12м. ва тахминан 1000 м²., бино ҳажми еса 15000 м³. атрофида.

Сув ҳавзаси залининг ёпмасида асосан турли йиғма балка ёки орқали темир-бетон конструкциялар қўлланилади. Шунингдек, пластик темир-бетон копланмалар ва егри чизиқли, юпқа йиғма армоцемент конструкцияларидан ҳам фойдаланилади. Замонавий шароитларда сунъий материаллар конструкцияларида фойдаланиш имкониятларини инобатга олиш тавсия етилади.

Сув ҳавзасининг залида жойлашган сузиш, сув ўйинлари учун мўлжалланган ҳовуз ва томошабинлар учун трибуналар бино асосий композициясининг ядроси ҳисобланади. Зални лойиҳалашда сув спорти коидаларига асосан турли технологик талаблар қўйилади.

Ҳовуз турли мосламалар билан жиҳозланади: старт тумбалари, трампиллар, турли баландликлардан сакраш қурилмалари,

сувга тушиш зинапоялари, сузиш йўлкасини кўрсатувчи чўкмайдиган чегара мосламалари, турли белгилар ва бошқалар. Спорт сув ҳавзалари мақсадли белгиланишига қараб ҳовузлар: яъни ўзининг ўлчамлари билан ажралиб турувчи, ҳовузнинг жиҳозланиши ва мосланиш соҳасига кўра ҳамда унинг конструктив хусусиятларига кўра бир неча турларга бўлинади.

Жадвалда қурилиш ва лойиҳалаш амалиётида қўлланилаётган сув ҳавзаларининг асосий ўлчам қийматлари кўрсатилган.

Сув ҳавзалари ўлчамлари

1- жадвал

Ҳовузлар- нинг ички ўлчамлари	Сув ҳавзаси турлари		Сузиш йўлкалари сони	Чуқурлик м.	
	Ўқув- машқ	Спорт- машқ		Саёз жойда	Баланддан сакраш мосламаси остидаги чуқурлик
20x10	Ўқув	-	4	1,1	1,8
25x10	Кичик	-	4	1,1	3,5 - 4,5
25x12,5		-	5	1,1	3,5 - 4,5
25x15		-	6	1,1	3,5 - 4,5
50x10	Катта	Катта	4	1,1	3,5
50x12,5			5	1,1	4,5 - 3,5
50x15			6	1,1	4,5 - 3,5
50x20			8	1,8 - 2	5 - 4,5

Ховузнинг қисқа ён томонларида сузиш йўлкалари марказ чизиғи бўйича сув сатҳидан 0,75м. баландликда старт тумбалари ўрнатилади. Тумбанинг устки қисми нотекис бўлиб, сув томонга 15% нишабликда жойлаштирилган. Режада тумбаларнинг ўлчамлари 0,5х0,5м. Ховуз атрофида айланма йўлка мўлжалланган – ён тарафдаги йўлкаларнинг ени 3м.

Бу йўлкалар икки қисмдан иборат: асосий ва ёнлама (хусусан, ховуз билан чегарадош). Ёнлама йўлка бассейнга сувнинг қайтиши учун нишабликка ега (0,0005%, ени 50 см.). Ховузнинг бўйлама узунлиги бўйлаб икки томонида ва сув сатҳидан 1.2 м. пастда дам олиш зинаси бўлиб (15 см.), қирралари йўналган ҳолатда бўлади.

Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналари

Ёрдамчи хоналар қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади: томошабинлар учун хоналар; спортчилар учун хоналар; ҳакамлар ва тренерлар учун хоналар; радио-телешарҳловчилар ва матбуот хоналари; маъмурий – хўжалик хоналари.

Спорт иншоотларини томошабинлар трибуналари билан лойиҳалашда томошабинлар ва спортчиларнинг ҳаракатланиш йўлаклари ҳамда зоналарининг алоҳида бўлиши талабларига қатъий риоя этилиши лозим. Томошабинлар ва спортчилар учун махсуслашган бинога кириш ҳамда чиқиш жойларига ега бўлишлари зарур. Томошабинлар учун мўлжалланган хоналарга вестибюллар, гардероб, йўлаклар, фойе, буфетлар, чиқиш жойлари, чипта сотиш кассалари ва фахрий ташриф буюрувчилар учун махсус хоналар киради. Гардеробли вестибюл майдони ҳар бир томошабин учун камида 0,24 м²., фақат гардероб майдонида еса ҳар бир томошабин учун 0,08 м². га тенг ўлчамларда қабул қилинади. Барернинг узунлиги 40-50 томошабинга (баъзи ҳолларда 60 томошабин) 1 м. барер ҳисобида қабул қилинади. Кулуарлар, фойе ва буфетларда умумий меъёрларга кўра ҳар бир томошабин учун 0,5-0,6 м². қабул қилинади. Трибуналарнинг сиғими 10 мингдан ошганда бу меъёр ҳар бир томошабин учун 0,3-0,4 м². гача камайтирилиши мумкин. Спорт иншоотидаги санитария тугунлари барча қ

Туалетларни ҳисоблашда аёл-еркак нисбати 3:5 кўринишида олинади. Еркаклар туалетида ҳар юз киши учун 1 унитаз ва 2 писсуар, аёллар туалетида ҳар 50 киши учун 1 унитаз мўлжалланиши лозим. Агар биринчи каватдаги шамоллатиш ва ҳавони кондициялаш шароитлари талаб даражасида бўлса, бу ерда чекишга рухсат берилади ва махсус чекиш хоналарини лойиҳалаш зарурати қолмайди. Чипта сотиш кассаларининг сони соатига ҳар бир кассадан 400-500 чипта сотиш сонидан келиб чиқилади.

Спортчилар учун хоналар гуруҳи қуйидагича: вестибюл гардероби билан, кийим алмаштириш, душ, туалет, массаж хоналари, курук-иссиқ хаммом, тиббий хона, услубиёт хонаси, буфетлар, дам олиш хонаси ва спортчиларни аренага чиқиш олдидан йиғиш хоналари. Санаб ўтилган барча хоналарни бир ерда гуруҳлаштириш ва бошқа хоналардан ажратиш ҳамда арена билан алоқани қулайлаштириш мақсадга мувофиқ. Душ хоналари умумий ёки алоҳида бўлимлардан иборат бўлади. Кўп ҳолларда душ хоналарида чегараловчи деворларни қўллаш яхши натижалар беради.

Санитар-гигиеник талаблар юқори қўйиладиган иншоотларда, масалан, соғломлаштириш, жисмоний тарбия иншоотларида, сув ҳавзаларида ўтказиш душлари ва оёқ душлари қўлланилади.

Душ хонасининг энг кичик ўлчами 0,9 х 0,9 м. Чегараловчи деворнинг баландлиги 2 м. Душ хоналари қаторлари орасидаги йўлакнинг ени 1,5 м. Душ хоналари ва девор орасидаги йўлакнинг ени 0,9 м. Оёқ душининг ўлчамлари 0,85 х 1 м. ҳисобида.

Душлар сони қуйидаги ҳисоблашдан аниқланади: спорт залларида бир вақтда шуғулланаётган 3 кишига 1 душ, инструкторлар учун 20 кишига 1 душ.

Туалетлардаги санитария жихозлари сони қуйидагича: бир вақтнинг ўзида сув ҳавзасида машғулот ўтказаётган 25 киши учун 1 унитаз ва 1 писсуар, аёллар туалетлари - бир вақтнинг ўзида сув ҳавзасида машғулот ўтказаётган 15 киши учун 1 унитаз, ёки 30 ўринли кийиниб - ечиниш жойи.

Спорт павилонлари

Спорт павилонлари очик спорт майдончаларини ва стадион иншоотлари, очик сув ҳавзалари, яхтаклублар, ешкак ешиш станциялари, мерганлик турлари ва стендларини, шунингдек, турли спорт ўйинлари учун майдончаларни йил давомида (волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларни) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади.

Павилонларнинг мақсадларига кўра хоналар, майдончалар ҳам турличадир. Шу сабабли уларни режалаштиришда композицион усуллар хилма-хил характерга ега.

Содда композициядаги спорт павилони тўғри тўртбурчакли режага ега бўлиб, бинонинг фронтал ёки ён тарафидан аёллар ва еркаklar учун умумий ягона кириш қисми мавжуд.

Павилонларни лойиҳалашда вестибюлдан фойдаланаётган ва спорт залига томон ҳаракатланаётган спортчилар оқимининг бўлинишини инобатга олган ҳолда улар учун қулай ҳаракатланиш жадвалини таъминлаш керак.

Кичик ёки ўртача катталиқдаги стадионда барча очик спорт майдон ва майдончаларга хизмат кўрсатишни қулайлаштириш мақсадида спорт павилонининг марказда жойлашиши мақсадга мувофиқ.

Кичик спорт павилонлари учун қуйидаги хоналар тизими назарда тутилади: вестибюл гардероби билан сақлаш хонаси, конқиларни таъминлаш ва тақдим етиш хонаси, буфет, санитария гигиена тугунлари, спорт анжомлари хонаси; спорт зали, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналар билан, хусусан, аёллар ва еркаklar кийим алмаштириш хонаси, душ ва туалетлари билан, массаж, тиббий хонаси, кўрсатмалар бериш, анжомлар, радиоузел; иситиш ва шамоллатиш хонаси ва бошқалар.

Ҳар хил турли катта спорт павилонлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг хоналар тизимига бир нечта спорт заллари, сузиш сув ҳавзалари, сувга сакраш мосламалари ва бошқалар киради. Бундай павилонларда спорт турлари бўйича ўқув-машқлар сифати яхшиланади ва бино ҳамда стадион ҳудудидан янада унумлироқ фойдаланиш имконияти туғилади.

Универсал спорт заллари спортнинг тараққий этиши натижасида ва йил давомида спорт турлари (гимнастика, енгил ва оғир атлетика, бокс, спорт ўйинлари, велопойгалар, ҳоккей, конкида фигурали учаш ва бошқалар) бўйича намоёниши ўқув-машқларини, демонстрация ишларининг олиб борилиши талаблари асосида пайдо бўлди ва кенг тарқалди.

Универсал спорт заллари ўзгарувчан спорт аренасига, 10-15 минг томошабинга мўлжалланган трибунага, шунингдек, машғулот заллари ва қуйидагича тартибдаги томошабин ва спортчиларга хизмат кўрсатувчи хоналарга ега: кириш (томошабинлар учун) хоналари, кулуарлар, буфет, киоск ва томошабинлар учун туалет; спортчилар учун хоналар – вестибюл гардероби билан, кийим алмаштириш, душ ва туалет, массаж, тиббиёт қисми, ҳакамлар, дам олиш хоналари, буфетлар, услубиёт хоналари ва бошқалар; маъмурий-хўжалик - раҳбарият, хўжалик бўлими, кассалар, муҳофаза хонаси, ўқув бўлими, почта-телеграф ва бошқалар; ёрдамчи қўшимча хоналар - совитиш мосламалари учун, иситиш, шамоллатиш, трансформатор подстанцияси, устахоналар ва бошқалардан иборат бўлади.

Зал спортчилар ва томошабинлар учун барча турдаги замонавий жихозлар билан таъминланган. Трибуналарнинг тўлиши ва эвакуацияси биринчи қаватда зални ўраб турувчи вестибюл, иккинчи қаватда кулуарлар ёрдамида амалга оширилади. Трибуналарда суянчиқли, ёндошсиз ўриндиқлар ўрнатилган. Ўриндиқнинг бир томошабин учун ени 40см. кўндаланг ўтиш йўлаклари орасидаги ўринлар сони 35-50 гача. Томошагоҳ қаторлари чуқурлиги 75см. Ёлаклар орасидаги секцияларда 800 дан 1150 нафаргача томошабин жойлашади. Ени 1.5м бўлган эвакуация люкларига (ҳар 650 кишига) эвакуацион ўтиш йўлагининг 1 пог. метри тўғри келади. Залнинг баландлиги 18 метр, қурилиш кубатураси 248000 м³. Бино конструкцияси каркас, 6х6м конструктив сеткали, йиғма темир-бетондан ташкил топган. Залнинг ёппа оралиғи 78 м. бўлиб, металл фермалар асосида бажарилган.

Аввалги схемалардан фаркли ўлароқ залнинг асосий қисми бу ерда олдинга туртиб чиққан ва қўшимча хоналар жойлашган икки қисм билан бирикади. Томошабинлар уч қаватли театр кўринишидаги трибуналарда жойлашади. Зал ёпмасининг ўзига хослигини айтиб ўтиш жоиз, бунда ойнабанд икки қўшма қобик кўринишидаги ёпма бўйлама йўналиш бўйича ўзаро боғланган. Ёпманинг йил давомидаги машқ ва демонстрация ишларидан мақсад. Бунинг учун сув ҳавзаси биноларининг томларида дарчалар очиш, баъзи ҳолларда еса томни тўлиқ очиш назарда тўтилади.

Ёпиқ спорт сув ҳавзаларида жойлашадиган асосий хоналар гуруҳи:

- спортчилар ва томошабинлар учун кириш хоналари (улар умумий ёки алоҳида бўлиши мумкин), вестибюл, гардероблар, туалетлар;

- сузиш учун мўлжалланган ҳовузли зал;

- спортчиларга хизмат кўрсатиш хоналари – «қуруқ сузиш» машғулотларини ўтказиш зали, кийим алмаштириш, душ, туалет ва массаж хоналари, тиббий хона, анжомлар, иситкич-қуритгич, йўл-йўриқ бериш хонаси, услубий ва бошқалар;

- томошабинларга хизмат кўрсатиш хоналари - кулуарлар, буфетлар, киосклар, туалетлар;

- маъмурий – хўжалик хоналари – директор хонаси, хўжалик бўлими, ўқув бўлими, рўйхат бўлими, кассалар ва бошқалар;

- ёрдамчи қўшимча хоналар - филтрлар, хлоратор, дезинфекция, лаборатория, устахона, омборхоналар ва бошқалардан иборат.

Спорт сув ҳавзаларини лойиҳалашда сузиш мақсадида пояфзалсиз, спорт кийимидаги спортчиларга алоҳида йўлаклар еътиборда тутилиши зарур.

Спортчиларнинг ҳовузли залгача ҳаракатланиш кетма-кетлиги: вестибюл ва гардероб, рўйхат бўлими, кийим алмаштириш, ўқув–машғулот зали (қуруқ сузиш), ҳовузли залга кираверишдаги душ мосламалари, ҳовузли зал. Залдан чиқиш кетма-кетлиги тескари тартибда амалга ошади.(-расмга қаранг).

Шаҳар қурилиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда сув ҳавзаларининг мақсадли белгиланиши, сиғими ва бошқаларга қараб қишки сув ҳавзали

бинолар шаҳарнинг алоҳида қи	Битирув малакавий иши (лойиҳаси) “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси	бет
------------------------------	--	-----

бошқа спорт биноларида, шаҳар ёки туман оромгоҳида жойлашиши мумкин. Одатдаги сув ҳавзали бинолар ҳовузнинг ўлчамларига боғлиқ равишда тўғри тўртбурчакли шаклда бўлади.

Мамлакатимиздаги спорт сув ҳавзаларини лойиҳалаш ва кўриш амалиётида ўқув-машғулот ишлари ва мусобақалар ўтказиладиган турдаги сув ҳавзалари кенг тарқалган. Бу турдаги биноларнинг кириш қисми қисқа, ён томонда жойлашган.

Кириш қисмининг бундай лойиҳаланиши залнинг бўйлама узунлиги бўйича хизмат кўрсатувчи хоналарни оқилона (рационал) жойлаштириш имконини бериб, аёллар ва еракларнинг икки алоҳида йўналишда ҳаракатланишига еришилади. Бу композицион усул, албатта шаҳар қурилиши талабларига ва қўшимча хоналарни жойлаштириш шартларига боғлиқ ҳолда фронтал ёки бошқа қурилмаларни инкор етмайди.

Қурилиш харажатларини камайтириш мақсадида спорт сув ҳавзаларини алоҳида биноларда ёки бошқа бинолар (ҳаммомлар, олий ўқув юртлари, мактаблар ва бошқалар) ичкарасида жойлаштириш мумкин.

Катта универсал 50x20м. ҳовузи, сакраш қурилмаси ва трамплини ҳамда 1000 ўринли трибунаси бўлган сув ҳавзасининг иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагича: қайта қуриш майдони тахминан - 3000 м², бино ҳажми – 40000 м³. атрофида, кичик сув ҳавзасининг ҳовузи билан қурилиш майдони – 25x12м. ва тахминин 1000 м²., бино ҳажми еса 15000 м³. атрофида.

Сув ҳавзаси залининг ёпмасида асосан турли йиғма балка ёки орқали темир-бетон конструкциялар қўлланилади. Шунингдек, пластик темир-бетон копламалар ва егри чизикли, юпқа йиғма армоцемент конструкцияларидан ҳам фойдаланилади. Замонавий шароитларда сунъий материаллар конструкцияларида фойдаланиш имкониятларини инобатга олиш тавсия етилади.

Сув ҳавзасининг залида жойлашган сузиш, сув ўйинлари учун мўлжалланган ҳовуз ва томошабинлар учун трибуналар бино асосий композициясининг ядроси ҳисобланади. Зални лойиҳалашда сув спорти коидаларига асосан турли техн

Ҳовуз турли мосламалар билан жиҳозланади: старт тумбалари, трампилар, турли баландликлардан сакраш қурилмалари, сувга тушиш зинапоялари, сузиш йўлкасини кўрсатувчи чўкмайдиган чегара мосламалари, турли белгилар ва бошқалар. Спорт сув ҳавзалари мақсадли белгиланишига қараб ҳовузлар: яъни ўзининг ўлчамлари билан ажралиб турувчи, ҳовузнинг жиҳозланиши ва мосланиш соҳасига кўра ҳамда унинг конструктив хусусиятларига кўра бир нечта турларга бўлинади.

**ҲАЁТӢЙ ҒАОЛИЯТ
ҲАВҒСИЗЛИГИ
ҚИСМИ**

Диплом лойиҳа иши “**Пайариқ туманидаги спорт мажмуасининг дизайн ечими**” мавзусида бўлиб, бинони дизайн ечими масаласи қараб чиқилган.

Диплом лойиҳа ишида қурилиб фаолият юритаётган бинонинг ҳозирги замон муҳандислик талабларидан келиб чиққан ҳолда зилзилабардошлигини, ёнғинга хавфсизлигини ошириш ва ёғин-сочинлардан муҳофаза қилиш қобилиятини яхшилаш чора-тадбирларини ўрганиб чиқиб, реконструкция қилиниб” дизайн ечими кўриб чиқилган.


Қуйида корхона учун меъёрий лойиҳани тайёрлашда ишлатилган климатик параметрлар келтирилган.

Асосий кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Атмосфера стратификациясига боғлиқ бўлган коэффициент	A		200
Ер рельефининг коэффициенти			1,0
Ҳаврнинг ўртача температураси соат 13 да:			
Энг иссиқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	T _и	° С	+33,4
Энг совуқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	T _с	° С	- 3
Шамол тезлиги, 5% такрорланувчанликда аниқ бўлган	U ^с	м/с	6
Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги	W _{ср}	м/с	2,0
Шамол йўналишининг ўртача такрорланувчанлиги	Ш	%	3
	ШШр	%	7
	Шр	%	36
	ЖШр	%	26
	Ж	о%	7
	Битирув малакавий иши (лойиҳаси) “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси		

	F	%	10
	ШF	%	6

Регионнинг ўзига хос метеорологик ва климатик хусусиятларига кўра, йил давомида атмосфера ҳавосидаги зарарли аралашмаларни тарқалиб-ёйилиб кетишини

қийинлаштирадиган шароит кам кузатилади. Дизайн ечимида ҳавонинг исиб кетиши, ҳавонинг совиб кетиши, ер рельефлари, яъни бинонинг зилзилабардошлдиги, ҳавонинг тезлиги ва шамол йўналиши, қуёшнинг тушиши муҳим ўрининг эгаллайди.



Шунинг учун ҳам диплом лойиҳа ишининг “Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги” бўлимида биз асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган зилзилага ва тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр ҳавфсизлиги, газдан заҳарланиш, ҳаво ҳароратининг кескин совуб ва исиб кетиши, кучли қор ва ёмғир ёғиши, санитария-гигиена талаблари ҳамда тизимларининг ишдан чиқиши, сув босиши каби офатларга қаратамиз.

Битирув малакавий иши (лойиҳаси) “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси	бет
--	-----

Ёнгинлар

Ёнгин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий ва маданий бойликларни йўқ қилувчи офат, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёни.

Ёнгин келиб чиқиши учун қуйидаги уч омилнинг бир вақтнинг ўзида бир жойда бўлиши етарлидир.

- Яъни:
- ёнувчи мода (коғоз, ёғоч-тахта, нефть ва унинг маҳсулотлари);
 - ёниш манбаи (гугурт, учқун, аланга);
 - оксидловчи (кислород, ҳаво);

Ёнгиннинг олдини олиш уни ўчиришдан кўра осонроқдир. Қуйида ёнгин хавфи пайдо бўлганда ва юз берганда аҳолининг ҳаракатлари қандай бўлишлиги ҳақида фикр юритамиз:

Ёнгингача бўлган ҳаракат:

1. Ёнгин ва газ ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг.

2. Ёнгил аланга олувчи моддалар ва буюмларни иссиқлик манбаи ёнида сақламанг. Ёнгинлар келиб чиқишининг сабабларини таҳлили тўғрисидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал

Т/р	Ёнгин келтириб чиқарувчи сабаблар	Улуши, %
1	Олов ёки ёнгинга хавфли моддалар билан эътиборсиз муносабатда бўлиши	35 – 45
2	Электр ўтказгичлари ва қурилмаларининг носозлиги	20 – 25
3	Газ билан иситиш тизимларининг носозлиги	8 – 12
4	Болаларнинг шўхлиги-ўйинқароқлиги	6 – 10
5	Атайлаб ўт қўйишлар	5 - 8
6	Инженер-энергетика тизимидаги бузилишлар	5 - 8
7	Бошқа турдаги	5 – 10

Ёнгинларни тез, кенг тарқалиб кетишининг асосий сабаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

- иншоотлар лойиҳасини ишлаб чиқишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар;
- иншоотлар қурилишида Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда давлат стандартига риоя қилмаслик;
- ёнғин назорати, газдан фойдаланишни назорат қилиш ходимлари томонидан кўрсатилган, ёнғиннинг олдини олиш тадбирларининг бажарилмаслиги;
- фуқароларнинг ёнғин содир бўлганда ўз вазифаларини билмасликлари ва ваҳимага тушиб қолишлари;
- болаларнинг ёнғин чиқишига олиб келувчи уйинларига катталарнинг бепарволик билан қараши;
- ёнғинга қарши курашда қўлланиладиган ўчириш ва қутқариш воситаларининг етишмаслиги.

Ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларига қуйидагилар қиради:

- ёнғин ва портлашга хавфли бўлган барча объектларни инвентаризациялаш (корхона ёки муассасага қарашли мол-мулкни ҳисобга олиш, рўйхат қилиш), паспортлаштириш ва декларациялаштириш (керакли маълумотларни ўз ичига олган расмий ҳужжат тузиш);
- ташкилот ва муассасаларда доимий равишда давлат махсус текширув идоралари томонидан ёнғин ва портлашнинг олдини олиш бўйича текширувлар ўтказиш, ёнғин чиқиши ва портлашларга сабаб бўлувчи камчиликларни аниқлаш, зудлик билан бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик;
- Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, давлат стандартларига доир махсус буйруқларни сўзсиз бажариш;
- ёнғиндан муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари берган кўрсатмаларни бажариш, энг асосийси ёнғинга олиб келувчи вазиятларни махсус кучлар томонидан биринчи навбатда бартараф этиш бўйича қилинадиган ишларни бажариш;
- ёнғинни бартараф этиш чора-тадбирларини билиш, қолаверса ёнғинни ўчириш учун биринчи

ўчириш учун биринчи	Битирув малакавий иши (лойиҳаси) “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси	бет

дақиқада бир пиёла, иккинчи дақиқада бир челақ сув етарли бўлишини, учинчи дақиқада эса бир цистерна сув ҳам етмай қолиши мумкинлигини ёдда тутиш;

- аҳолининг барча табақасини мунтазам равишда ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини бажариш бўйича ўргатиб бориш.

Ёнғинга қарши курашда ва уни бартараф этишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш катта самара беради:

- ёнғин кенг тус олиб кетмаслиги учун ёнаётган жойнинг теварак-атрофини сув ва бошқа ёнмайдиган қоришмалар ҳамда моддалар билан совитиб, ёнишига йўл қуймаслик;

- ёнаётган ҳудудни кўпик, кукун, қум, қалин мато ва ҳаво ўтказмайдиган бошқа нарсалар билан ажратиб, яккалаб қуйиш;

- ён-атрофдаги барча тез ёнувчи жиҳозларга, иншоотларга махсус кўпик-кукунли, ишқорли сув сепиш;

- ёниш реакциясини кимёвий йўл билан секинлаштириш.

Ёнғин ўчоқларининг пайдо бўлиши ва ёнғиннинг ривожланиши бино-иншоотларнинг ўт (олов)га чидамлилиқ даражаси ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ёнғинга ҳавфлилигидан ҳам боғлиқ бўлади.

Барча қурилиш материаллари ўтга чидамлилиги жиҳатидан уч тоифага бўлинади:

- **ёнмайдиган** – бетон, пишиқ гишт, мармар кабилар оловнинг таъсирида ёки юқори ҳароратда ёнмайди, тутмайди ва эримайди;

- **кийин ёнувчан** – бу материаллар юқори ҳарорат таъсирида қийинчилик билан учқунланади, тутайди ва кўмирланади ҳамда олов манбаи бўлгандагина ёнишда давом этади. Буларга ДВП, ДСП ва бошқалар киради;

- **ёнадиган** – буларга ёғоч материаллари, целлюлоза, пластмасса, тол қоғоз, битумлар киради.

Бино ва иншоотлар ўтга чидамлилиги жиҳатидан беш даражага бўлинади:

Ўтга чидам- лилик даражаси	Б и н о в а и н ш о о т л а р н и н г қ и с м л а р и			
	Зиналар	Зина ва зина майдонлари	Қоплама тузилишлари	Қоплама қисмлари
I	3соат ёнайдиган	1соат ёнайдиган	1соат ёнайдиган	0,5соат ёнайдиган
II	2,5соат ёнайдиган	1соат ёнайдиган	0,25соат ёнайдиган	0,25соат ёнайдиган
III	2соат ёнайдиган	1соат ёнайдиган	0,25соат ёнайдиган	ёнайдиган
IV	0,5соат кийин ёнайдиган	0,25соат кийин ёнайдиган	0,25соат кийин ёнайдиган	ёнайдиган
V	Ё н а д и г а н			

Амалдаги тартиб ва қоидаларга кўра ёнайдиган ва енгил ёнайдиган қурилиш материалларининг жамоат жойларида, болалар муассасалари ва шифохоналарда ишлатилиши қатъиян ман этилади.

Ўтни ўчиришни дастлабки ускуналари.

Ўтни ўчириш ускуналари: қўлда ишлатиладиган бирламчи воситалар; бир жойда муқим ўрнатиладиган ва механик ёки автоматик ҳаракатга келтириладиган ускуналар; ҳархил масофадаги ҳудудларда ҳаракатланаоладиган кўчма ускуналар ва бошқаларга бўлинади.

Бирламчи ўт ўчириш воситаларига, ташкилот ишчи ва хизматчилари ёки ихтиёрий ёнғин дружина (ИЁД-ДПД) аъзолари томонидан ишлатишга мўлжалланган, ёнғинга қарши «қалқонлар»да изоҳланган оддий асбоблар, махсус енг ва дастаклар билан жиҳозланган ички ўт ўчириш кранлари ва бошқа ускуналар киради.

Маъмурий бинолар ва саноат корхоналарида, ёнувчи ашёлар ва портловчи моддалар сақланадиган омборхоналар ҳудудида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда ўт ўчиришда қўлланиладиган асбоблар ўрнатилган, «ёнғинга қарши қалқон» чизма да акс эттирилган.

Ёнғинга қарши «қалқон» ва ундаги асбобларни ўрнатилиши.

Унда ёнғин ҳавфсизлиги меъзонларига кўра қуйидаги ўт ўчириш воситалари ва асбоблари зарур бўлганда осон олинadиган қилиб осиб қўйилган бўлиши шарт:

- 2 дона қўлда ишлатиладиган кўпикли ўт ўчиргич;
- 1 дона карбонат- ангидридли ўт ўчиргич;
- 2 тадан мисрон ва илгакли чангаклар;
- 2 та болта; 2 та ёнғинга қарши сув узатгич эластик енглар;
- 2 та махсус тайёрланган конуссимон челаклар;
- 2 та бел курак; 1 та бочкада сув ва 1 та кутида қум ва ҳ.о.




Рис. 60. Пожарный пункт и размещение инвентаря:
1 — песок; 2 — огнетушители; 3 — доска правил пожарной безопасности; 4 — бочка; 5 — рукава; 6 — багры; 7 — ствол пожарный; 8 — доска-график работы ДПД.

Бундай қалқонлар маъмурий биноларнинг ҳовли томонидан, бинога кириш эшигига яқин жойда ўрнатилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган цехлар ва омборхоналарга кириш эшикларига яқин жойларда ўрнатилади. Ҳимояланаётган ҳудуднинг ҳар 5000 квадрат метрига 1 та «қалқон» ҳисобидан лойиҳалаштирилади.

Ундаги сув бочкасининг ҳажми 200 л дан кам бўлмаслиги керак, кум солинадиган қутининг ҳажми эса 2-3 м³ атрофида бўлади.


Ўт ўчирувчи кўпиклар. Кимёвий ёки ҳаволи механик кўпиклар, кўпик ҳосил қилувчи кукунларни суюқ муҳитда эритиш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун таркибида жавҳар ўрнини босувчи алюиносулфат $Al_2(SO_4)_3$ билан ишқор ўрнига натрий бикарбонат $NaHCO_3$ моддаларининг курук ҳолатдаги қоришмаларидан тайёрланган кукун, махсус мосламаларда босим остида сувга аралаштириб, эластик қувурларда оқизилади. +ўлда ўт ўчириш балонларида кўпик ҳосил қилувчи жавҳар қисмида, сулфат жавҳари H_2SO_4 ёки сулфат тузи билан оксидланган темир $Fe_2(SO_4)_3$ моддаларининг аралашмаси ишлатилади.

Ёнғин даракчилари ва алоқа тизими

Ёнғинни олдини олиш ва унинг даҳшатли асоратини камайитиришда бош омил сифатида даракчи ускуналар ва тезкор алоқа воситалари хизмат қилади. Ёнғинни олдини олиш мақсадида, унинг келиб чиқиш жараёнларини назорат қилишни пасив ва

актив усулларга бўлиш мумкин. Пассив назорат усули, инсон тафаккури ва унинг интизомига боғлиқ бўлиб, ёнғин ўчоқларини аниқлаш ва ўт ўчирувчиларни 01 рақамли телефон орқали (шаҳар шароитида) ва узлуксиз занг уриш йўли билан (дала, қишлоқ шароитида) ёрдамга чақиришдан иборат бўлади.

Фаол назорат усули эса юқори аниқлик билан ишлайдиган техник воситаларни қўллашга асосланган. Бунда ёнғин ўчоғини аниқлаш ва ўт ўчирувчи хизмат ёрдамчиси чақириш, одам омилига боғлиқ бўлмасдан, автоматик тезкор тарзда бажарилади. Шу мақсадда, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда ёнғинни дастлабки белгиларини аниқлаб марказий бошқарув пултига белгиланган хабарни етказиб берадиган даракчилар ўрнатилади. Даракчилар кўриқланаётган хоналарда ўрнатилган бўлиши ва қоровулхонада ўрнатилган қабул пункти билан алоқа тармоғи орқали боғланган бўлиши керак. Бундай тизимларни ишлаш қобилияти доимий назорат остида бўлиб, ёнғинни «кутиш» тартибида кечади.



Чизма ДТЛ русумли ёнғин дараклагичи

Ёнғин даракчилари ўзларининг ишлаш услубига биноан шартли равишда 4-та гуруҳга, яъни иссиқлик, ёруғлик, газ ва тутундан ишлайдиган турларга бўлинади. Ўзбекистонда илк бор 1960 йилда ҳароратни таъсиридан енгил эриб кетувчи «Вуда» қоришмаси асосида ишлайдиган, ДТЛ русумли ёнғин дараклагичлари ишлаб чиқарилабошланган эди (чиз 32). ДТЛ бир марта қўлланишга мўлжалланган бўлиб, хонанинг ҳарорати 72°C дан ошгандан кейин, унинг марказида

жойлашган, спиралсимон ўтказгични алоқа занжирига боғлаб турувчи, ҳароратга ўта сезгир бўлган махсус қоришма эриб кетиши оқибатида, занжир узилади ва назорат пултига ёнғин хавфи пайдо бўлганлиги ҳақида хабар беради. Битта ДТЛ дараклагичи 15м^2 гача юзани қўриқлашга қодир.

ДТЛ даракчилари атрофлича ўрганилиб, камчиликларини бартараф этиш мақсадида 1984 йилдан бошлаб мукаммаллаштирилган иссиқлик таъсирида ишлайдиган ИП-101, ИП-102, ИП-103, ИП-104 ва ИП-105 русумли ёнғин даракчилари ишлаб чиқарилабошланди. Буларнинг барчаси қўриқланаётган муҳитнинг ҳарорати $70-72^{\circ}\text{C}$ дан кўтарилган заҳоти ёнғин хавфи пайдо бўлганлиги ҳақида марказий пултга автоматик тарзда хабар бериш учун мўлжалланган [Л10].

Ер силкиниши (зилзила) ва унинг оқибатлари

Табиий офатлар ичида энг хавфлиси ва даҳшатлиси бу – ер силкиниши(зилзила)дир.

Ер силкиниши – ер ости зарбаси ва ер устки қатламининг тебраниши бўлиб, табиий офатлар, технологик жараёнлар туфайли вужудга келади. Ер остки зарбасининг пайдо бўлиш ўчоғи, ернинг остки қатламида узоқ вақт йиғилиб қолган энергиянинг юзага отилиб чиқиш жараёни туфайли юзага келади. Ўчоқнинг ички қисми маркази гипоцентр дейилади, ернинг устки қисмидаги маркази эпицентр дейилади.

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник зилзилалар;
- Вулқон зилзилалари;
- Ағдарилиш, ўпирилиш зилзилалари;
- Техноген(инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида айтиб ўтилган ер силкиниши турлари ичида катта майдонга тарқаладигани ва энг кўп талофат келтирадигани тектоник ер силкинишидир. Маълумки, ҳар йили планетамизда 100 000 дан ортиқ ер силкинишларини сейсмик асбоблар(сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон қилувчи фожиа бўлиб, иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстиғининг қуришига олиб келади.

Ер силкиниш ўчоғи гипоцентрнинг жойлашган чуқурлиги бўйича зилзилаларни: юзаки – 70 км.гача, ўрта – 70-300 км. ва чуқур – 300 км.дан пастда “мантия” қатламида вужудга келадиган турларга ажратиш мумкин. Республикамизда кузатиладиган зилзилаларнинг ўчоғи асосан 70 км.гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Кучли ер силкиниши оқибатида ернинг яхлитлиги, бутунлиги ўзгаради, иншоотлар, жиҳозлар бузилади, коммунал-энергетик қисмлар ишдан чиқиши, инсонлар ўлими юз беради. Ер қимирлашнинг асосий кўрсаткичлари

қуйидагилардан иборат: ер силкиниш ўчоғининг чуқурлиги, силкиниш амплитудаси ва ер силкинишининг интенсив энергияси.

Ер силкинишининг кишилар руҳий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқлар ва булоқларнинг пайдо бўлиши) инсонларга юз берган ҳодисаларнинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган.

Зилзила кучи икки хил ўлчов бирлигида ўлчанади:

1. Балларда;
2. Магнитудада.

Дунёнинг жуда кўп давлатларида ер силкиниш кучи 12 балли халқаро ўлчов бирлигида ўлчанади.

Балл – ер юзасининг тебранма ҳаракат даражасини кўрсатади. Силкинишкучини балларда ўлчашда “сейсмограф”лардан фойдаланиб, тоғ жинси заррачаларининг тебранма ҳаракат тезлиги топилади. Яъни ёзиб олинган “сейсмограммалар” орқали заррачаларнинг тебраниш амплитудаси аниқланади ва шу асосида сейсмик тўлқин тезланишини қуйидаги формула орқали ҳисоблаб чиқариш мумкин.

$$\alpha = 4\pi^2 A/T^2;$$

бунда, α – сейсмик тўлқин тезланиши, м/с²;

A – тоғ жинси заррачасининг тезланиш амплитудаси, мм;

T – сейсмик тебраниш даври, с;

$$\pi = 3,14.$$

Ер силкинишининг офат ўчоқлари деб, бинолар, иншоотлар ва бошқа хил объектларнинг шикастланиши ва бузилиши натижасида одамларнинг, ҳайвонларнинг ва ўсимликларнинг жароҳатланиши ҳамда ўлими юз берадиган ҳудудларга айтилади.

Иншоотлар кўрадиган талофатлар қуйидагича тавсифланади:

1- даражали талофат. Бунда енгил шикастланиш юз беради.

2- даражали талофат. Оғир бўлмаган шикастланиш содир бўлади, деворларда катта бўлмаган ёриқлар пайдо бўлади.

3- даражали талофат. Иншоотларнинг оғир шикастланиши юз беради, деворларда катта ва чуқур ёриқлар пайдо бўлади.

4- даражали талофат. Иморат ва иншоотлар ички деворларининг тўлиқ бузилиши юз беради.

5- даражали талофат. Иморат ва иншоотларнинг тўлиқ бузилиши содир бўлади.

Иморат ва иншоотлар конструкцияси ва қурилиш материалларига қараб қуйидагича тавсифланади:

А гуруҳ – хом ғишт, пахса деворли иморатлар;

Б гуруҳ – пишиқ ғишдан қурилган иншоотлар;

В гуруҳ – темирбетон, синчли ва ёғочдан қурилган иншоотлар.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда давлат стандарти (ГОСТ) томонидан иморатлар гуруҳининг ҳар бир балда кўрадиган талофат даражалари қонунлаштириб қўйилган. Жумладан:

6 балл – ер силкиниш жараёнида А гуруҳга мансуб иншоотлар 2-даражали талофат, Б гуруҳи иншоотлари 1-даражали талофат кўради.

7 балл – А гуруҳидаги иншоотлар 3-даражали талофат кўради.

8 балл – А гуруҳидаги иншоотлар 5-даражали, Б гуруҳидаги иншоотлар 3, 4-даражали, В гуруҳидаги иншоотлар 2-даражали талофат кўради.

9 балл – Б гуруҳидаги иншоотлар 4-даражали, шунингдек, В гуруҳидаги иншоотлар ҳам 4-даражали талофат кўради.

10 балл – Б гуруҳидаги иншоотлар 5-даражали, В гуруҳидаги иншоотлар 4-даражали талофат кўради.

11 балл – Б гуруҳидаги иншоотлар тўлиқ қулайди. Тоғ жинсларининг тик ва горизонтал йўналишдаги ҳаракати кузатилади.

12 балл – амалда ер юзасида тик иншоот қолмайди.

Айтиб ўтилган фикрлар у ёки бу балларда ер силкиниши содир бўладиган ҳудудларда қўриладиган талофат даражаси ҳисобга олинган ҳолда, фақат маълум гуруҳдаги иншоот ва иморатлар қурилиши лозим деган сўздир.

Иншоотлар ер силкинишига бардош бериш хусусиятига кўра

3 гуруҳга бўлинади:

А) 7 баллгача чидайдиган кучсиз сейсмочидамли уйлар. Бунга тупроқдан, гиштдан қурилган уйлар киради.

Б) 8 баллгача чидайдиган уйлар. Бу хилдаги уйлар ҳар хил ёғоч каркаслардан тайёрланади(синчли уйлар).

В) 9 баллгача чидайдиган сейсмочидамли уйлар. Бу хилдаги уйларга катта металл каркаслардан тайёрланадиган, темир-бетон конструкциялардан қурилган иншоотлар киради.

Объектларда юз бериши мумкин бўлган шикастланишларнинг кўламини ва хусусиятини башорат қилишда, кўплаб бино ва иншоотларнинг кучсиз шикастланишидан бошлаб, уларнинг бутунлай бузилиб кетишигача олиб келадиган оралик(интервал)даги интенсивликнинг аниқ қийматларини ҳисоблаш мумкин.

Зилзиланинг бино ва иншоотларга механик таъсирлари ҳамда унинг зарарли таъсирларига қарши чора-тадбирлар, зилзила содир бўлганда қандай хатти-ҳаракатлар қилиш зарурлиги тўғрисида мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилган йўлланмалар қуйидагича.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса қилинадиган бўлса, мазкур диплом лойиҳа ишини бажариш мобайнида Самарқанд шаҳрининг сейсмоактивлик харитасидан ҳамда бу жойларда бўлиб ўтган зилзилалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш лозим бўлади. Яъни диплом лойиҳасида бинонинг қурилиш жойи, ернинг муҳандислик-геологик маълумотлари ва сейсмоактив ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур.

ЭВАКУАЦИЯ ЧИКИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ҚМҚ ТАЛАБЛАРИ

Зилзила, ёнғин ва сув тошқинлари каби фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда бино ва иншоотларда яшайдиган ёки ишлайдиган аҳолини муҳофаза қилишда катта самарадорликка уларни эвакуация қилиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам қурилишларни лойиҳалашдаги асосий вазифалардан бири бу – ФВда бинолардан аҳолини эвакуация қилиш йўлларининг режавий-конструктив ечимини ишлаб чиқишидир.

Бинонинг эвакуация режаси

Ҳар қандай мақсадда қурилган бинолар (яшаш, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари)да ҳам одамларнинг ҳаракатланишини муҳим жараён деб қараш зарур. Ҳаракатланиш жараёнининг кечадиган шароитидан боғлиқ равишда икки тури мавжуд. Биринчиси одатий ҳаракатланиш, иккинчиси эса–мажбурий ҳаракатланиш. Бино ва иншоотлардаги оддий иш шароитларда кишиларнинг одатий ҳаракатланиши содир бўлади. Фавқулодда вазиятлар шароитида эса кишиларнинг ҳаётига хавф таҳдид солиши сабабли, мажбурий ҳаракатланиш амалга оширилади.

Аҳолини эвакуация қилиш деб номланувчи, мажбурий ҳаракатланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Офат(хавф) манбаидан хавфсиз жойга ҳаракатланиб одамларнинг ташқарига чиқишида хонадан-хонага эшиклар орқали, ўтиш йўлаклари ва каридорлар бўйлаб юриб, зинапоялардан тушишига тўғри келади. Бу йўллар ва чиқиш жойлари маълум талаблар бажарилган тақдирда эвакуация йўллари дейлади. Юз берган ФВнинг турига боғлиқ равишда ҳаракатланиш мобайнида одамларга таъсир этувчи хавф ва одамлар оқимининг миқдори ўзгариб боради. Бу ўзгариш биноларнинг мўлжалланиши, одамлар оқимининг таркиби ва турига ҳамда эвакуациянинг босқичига боғлиқ равишда ҳар хил кечади.

Эвакуация чиқиш жойларининг энг кам миқдорини аниқлаш услубини

меъёрлар талаблари билан

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

асослаш лозим. Хоналар, қаватлар ва бинолардаги эвакуация чиқиш жойлари миқдори ва умумий кенглиги улар орқали олиб чиқиладиган одамларнинг эҳтимол тутилган энг кўп сонидан ва йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий масофадан, одамлар бўлиши эҳтимоли бўлган, энг узоқдаги (ишчи ўрни) жойдан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофадан келиб чиқиб аниқланади.

Қаватдан эвакуация чиқиш жойи, агар унда иккитадан кам бўлмаган эвакуация чиқиш жойига эга бўлиши керак.

Икки ва ундан ортиқ эвакуация чиқиш жойлари бўлса, улар тарқоқ ҳолда жойлаштирилиши шарт.

Зина катаклари ташқи эшиклари ва зина катакларидан вестибюлга чиқувчи эшиklar эни ҳисоблангандан ёки зинапоя энидан кам бўлмаслиги лозим.

Эвакуация чиқиш эшиклари ва бошқа эвакуация йўлидаги эшиklar бинодан чиқиш йўналишида очилиши керак.

Эшиklarнинг очилиш йўналиши қуйидагилар учун меъёрланмайди:

- кўп хонадонли ва бир хонадонли уй-жой хоналари учун;
- бир вақтда 15тадан кам одам келиб турадиган хоналар учун, А ва Б тоифадаги хоналардан ташқари;
- санитария тармоқлари учун;
- 3 - турдаги зиналар майдончасига чиқиш учун.

Одамлар оқимининг ҳаракат тезлиги йўл туридан ва одамлар оқими зичлигидан келиб чиқади. Одамлар оқимининг чегаравий зичлигида одамлар тўпланмаслиги учун ҳаракат тезлиги қуйидагиларни ташкил этади:

- горизонтал йўл учун 15м/дақиқа
- зина орқали пастга 8м/дақиқа
- зина орқали юқорига 11 м/дақиқа

Одамлар оқими интенсивлиги, эвакуация йўлидаги 1 метр эшик орқали 1 дақиқа ичида ўтувчи одамлар сонини таърифлайди.

Зарурий эвакуация вақти деб, у тугагандан сўнг ёнғин пайтида ишчи минтақада одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун ёнишга ҳавфли омиллари пайдо бўладиган вақтга айтилади.

Электрдан жароҳатланганда дастлабки тез ёрдам

Электрдан жароҳатланган кишини дарҳол токнинг таъсиридан халос этиб тоза ҳавога, қуруқ ерга ёки тахта устига ётқизиш лозим бўлади. Агар жароҳатланувчининг нафас олиши ва томир уриши сезилиб турса, уни орқасига қулайроқ ётқизиб, кўкрак тугмаларини ва камарини ечиб тоза ҳаводан нафас олишига ва тинчлигига ҳалақит бермаслик керак. Доим ахволдан, юрак уриши ва нафас олишидан


хабардор бўлиб турмоқ талаб қилинади. Нашатир бўлса хидлатиш мумкин. Агар жароҳатланувчи нафас олмаса ёки ўқтин-ўқтин хириллаши сезилса, дарҳол уни оғзини очиб, тилини текшириш зарур, агар тил танглайга тикилиб, нафас йўлини тўсаётган бўлса дарҳол тилини олдига тортиб, кекирдак йўлини очиш керак. Шу тариқа ҳаво йўли очиклиги аниқлангандан кейин сунъий нафас олдириш билан бирга юракни «массаж» қилиш керак бўлади.

Токдан ажратиб олиш

Электр тармоғига уланиб, ҳуш - беҳуш ҳолатда турган одамни қандай қилиб халос этиш мумкин? Бундай ҳолларда 1-расмда кўрсатилганидек, ўчиргич, ажратгич

(рубильник) ёки пробкани чиқариб олиш йўли билан токни тез ўчириш керак бўлади (1-расмда 1,2,3). Агар буни имконияти бўлмаса, бирор бир қуруқ ток ўтказмайдиган восита, ёғоч ёки пластмасса таёқ ёрдамида электр симини ажратиш, ёки болта билан кесиб жароҳатланувчини электр занжиридан озод қилиш керак бўлади (1-расмда 4,5,6). Агар борди-ю жароҳатланувчи электр занжирига ўтказгични кафти билан ушлаган ҳолда уланиб қолган бўлса, уни зинҳор мушт ҳолатида симни сиқиб турган панжаларини қўлингиз билан очишга уринманг! Бу ўзингиз учун ҳам хавфлидир, сиз ҳам занжирга уланиб қолишингиз муқаррар! Асаб ва пай толалари қисқариб панжаларни букиб қўйганда уларни қайта тиклаш осон бўлмайди.

Шунинг учун бундай ҳолларда оёққа резина этик, ё калиш кийган ҳолда ёки резина гиламчани токли сим устидан тўшаб, унинг устига оёқ билан чиқиб, жароҳатланувчининг қуруқ енгидан ёки резина қўлқоп кийган бўлсангиз уни билагидан юқорироқ жойидан икки қўллаб куч билан ажратиб олишингиз мумкин.



Электр тармоғига уланиб қолган одамни занжирдан ажратиб олиш

Изоҳ: 1,2,3, -занжирни электр тармоғидан узиб қўйиш; 4.5.6 -занжир таъсиридан

одамни ажратиб олиш.

Бу ишларни бажаришдан олдин ток ўтказувчи ҳамма фаза симларини олдиндан махсус тайёрланган (бу мослама электр хавфи юқори бўлган ҳар бир иш жойида тайёр туриши керак) ўтказгич ёрдамида бирлаштирган қолда жароҳатланувчи ётган жойдан энг камида 10 м нарироқдан ерга улаб қўйиш керак бўлади. Бу тадбир одамни тоқдан ажратиб олиш вақти чўзилиб қолган тақдирда унга таъсир этаётган токнинг кучини қирқади.

ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ

Диплом лойихасининг мавзуси: Пайариқ туманидаги спорт мажмуасининг дизайн ечими.

Экология кismi буйича

Лойиха килинаётган объект курилишининг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш ва экологик тахлил килиш.

Лойиха килинаётган объект курилишининг атроф-мухитга таъсирини баҳолашда куйидагиларни урганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади:

1. Лойиха килинаётган объект куриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иклим шароитлари;
2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;
3. Худуднинг тупроги, ер ости ва ер усти сув ресурслари;
4. Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;
5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;
6. Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таъхлил килиш;
7. Объект курилишида атроф-мухитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чиқиндилар) баҳолаш;
8. Курилиш давомида ва ишлаб чиқаришда руй бериши мумкин булган авария (ҳалокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-мухитга таъсирини тахлил килиш.
9. Объект курилишининг атроф- мухитга таъсир этиш характери;
- 10.Объект курилишининг атроф-мухитга салбий таъсирини камайтириш буйича тадбирлар ва таклифлар;
- 11.Объект курилишидан сунг худуднинг экологик ҳолатини олдиндан тахлил килиш.

1. Лойиха килинаётган объект куриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иклим шароитлари;

Лойиха килинаётган объект: Самарқанд вилояти Пайариқ туманида курилиши мўлжалланган.

Курилиш майдони куйидаги корхоналар билан чегараланган:

- шимолдан — трасса
- шаркдан — турар жойлар
- гарбдан — спорт майдончаси билан чегараланган
- жанубдан — жамоат бинолари

Иклим шароити кескин континентал курук иссиқ ёз ойлари ҳаво ҳарорати +32 °С , совуқ қиш ойлари - 15 °С гача етади. Ёғингарчилик миқдори 362 мм. Шамол йўналиши жанубий шарқ тезлиги ўртача 2,3 м/с.

2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Лойиха килинаётган объект жойлашадиган район якка тартибдаги аҳоли яшашга ихтисослаштирилган.

Курилиш майдонига яқин корхоналар: Объектга яқин ва атрофида қўшимча озиқ овқат магазини, ўрта мактаб, автомобиллар тўхташ жойи мавжуд.

Бу корхоналардан атроф-муҳитга куйидаги ифлослантирувчи моддлар ва чиқиндилар ташланади: чиқинди чиқариш жойидан ҳар турдаги газлар, углеводородлар ва органик газ қолдиқлари чиқади

Ундан ташқари тупроқ эрозияси, кимёвий ва минерал уғитлар ишлатилиши таъсирида ернинг кимёвий ифлосланиши: унчалик юқори эмас

Автомобиль транспортларидан куйидаги ёкилги қолдиқ моддалари атмосферага ташланади: Шаҳарда жойлашганлиги учун ҳар хил турдаги углеводород газлари ҳамда ис газлари ҳосил бўлади.

3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

Курилиш жойнинг тупроғи: ернинг энг 1,00 – 1,5 метри ўсимлик чиқиндиларидан иборат унумдор тупроқ, иккинчи пастки катлами ҳам қизил тупроқли, учинчи катлам шағалли қумлардан иборат. Ер ости сувлари 10 – 11 метр чуқурликда жойлашган. Бетон ва курилиш конструкцияларига нисбатан

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

агрессив ёки агрессив эмас. Ер ости суви корбанатли ёки бошка натрий ва калийли. Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин.

4. Худуднинг усимлик ва хайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги.

Ернинг юкорги унумдор тупрок кисми шурланмаган, кучли эрозия кузатилмаган. Куп йиллик усимликлардан мевали дарахтлар, узум, маданий манзарали дарахтлар (арча, кайин, каштан) мавжуд.

Курилиш районининг хайвонот дунёси ҳам хилма-хил уй хайвонларидан ташкари, бошка кичик емирувчи хайвонлар, хар хил кушлар майна, мусича, чумчук, карга мавжуд.

Курилиш райони аҳолиси саломатлиги согликни саклаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофик республикамизда учрайдиган купчилик касалликлар буйича фоиз хисобида вилоят ва республикадаги курсаткича нисбатан деярли йўқ. Сабаби объект атрофи кўкаламзорлаштирилган.

5.Худуднинг мавжуд табиий экологи ҳолатини баҳолаш;

Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг физико-географик ва иклим шароитлари, тупроги, ер остки ва ер устки сув хавзалари, усимлик ва хайвонот дунеси, мавжуд таъсир этувчи омиллар урганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати коникарли, атроф-мухитга салбий таъсир курсатадиган манбалар кузатилмади.

6. Лойиханинг ечимини ва технологик ечимнинг альтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

Диплом лойихаси буйича Спорт мажмуаси дизайн ечими лойиҳалашни мазкур жойга қурилиши режалаштирилган.

Объект пойдевори қўйма темир бетон, девори ғишт, том ёпилма металл черипеса. Ер ишлари ҳажми $W_{ер}$ 280 м³, монтаж ишлари $W_{мон}$ 26,0 м³. Қурилишга ишлатиладиган материаллар, элементлар, техникалар маркаси. Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ускуналарни монтаж қилиш ва ёпилма.

Қурилиш жараёни қуйидаги асосий технологик босқичлардан ташкил топади:

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Курилиш майдони улчамларини аниклаш;

- Пойдеворлар учун завур казиш;
- Пойдеворлар тагидаги заминни мустахкамлаш ва текислаш;
- Бино деворларини кутариш ва томини ёпиш;
- Сувок ва пардоз ишларини олиб бориш;
- Электр, сув таъминоти ва табиий газ тармокларини утказиш;
- Кучаларни текислаш ва ободонлаштириш;

Объектнинг умумий ер майдони $F_{\text{ум}} = 1740 \text{ м}^2$, шундан, кукаламзорлаштирилган майдон $F_{\text{зел.н}} = 17,40 \text{ м}^2$, курилиш эгаллаган майдон $F_{\text{стр}} = 1722,60 \text{ м}^2$, каттик копламали (асфальтланган, плитка еткизилган, бетонланган ва х.к.).

Объект курилишида лойиха килинган ечимга альтернатив булган ечимни экологик нуктаи назаридан таккослаш (масалан бино томи ёпилмаси лойихада проф. настилдан курилиши кузда тугилган. Альтернатив вариант – шифердан. Таккослаш: проф. настил – рухланган пулат лист зангламайди, ранглаш талаб килинмайди, енгил, монтаж ишлари анча тезлашади. Альтернатив вариант – шифер транспортировка ва монтаж вақтида куп синади. Энг асосийси шифер таркибида асбест моддаси бор. Асбест хавфлилик тоифаси буйича биринчи тоифага мансуб, атроф-мухитга ва киши саломатлигига салбий таъсир курсатади).

7. Объект курилишида атроф-мухитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар, шовкин, табиий ресурслардан фойдаланиш, каттик чикиндилар) бахолаш;

Объект курилишида атроф-мухитга таъсир этувчи асосий манбалар;

-фойдаланиладиган ернинг маълум бир кисмини курилишга олиш ($F_{\text{ум}} = 1740 \text{ м}^2$);

- курилиш ер майдонининг табиий ҳолати бузилиши;

- ер казиш ва монтаж ишларини бажаришда ҳамда керакли материалларни ташишда транспорт воситаларининг ишлаши натижасида атроф-мухитга куп микдорда зарарли ёкилги колдик моддалари ва ҳар хил чанглар ташланади.

Ундан ташкари транспорт воси

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

- курилиш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланиш, сув олиш ва окова чиказиш
 - курилишда хар хил кимёвий лок-буёк моддалардан фойдаланиш натижасида атроф-мухитга куп микдорда кимёвий зарарли моддалар ташланди.
 - курилиш давомида куп микдорда каттик чикиндиляр (гишт синиклари, бетон колдиклари, курилиш буюмлари колдиклари) хосил булади.
- а) фойдаланиладиган ер майдони 1740 м²
- б) объект курилишига ва объектдан фойдаланишда олинадиган тоза сув микдорлари ва окова сувлар.

1.2.-жадвал. Объект курилишига сарфланган сув микдорини аниклаш

Ишнинг номи	улчов бирлиги	Иш хажми	Солиштира сув меъёри, л	Сув микдори, м ³
Бетон коришмасини тайёрлаш	м ³	120	400	48
Бетонни 6 кун давомида сувлаш	м ³	120	200	24
Заминни зичлаш учун тупрокни намлаш	м ²	144	150	21,6
Гишт териш ва грунтовка учун	м ³	210	200	42
Сувок коришмасини тайёрлаш	м ²	1920	100	192
ЖАМИ				327,6
Ичимлик сув сарфи, 8 киши х 200 кун х 15 л	киши х кун	2400	15	36
Ювиниш учун сув сарфи	киши х кун	2400	25	60
ЖАМИ				96
Сув сарфининг умумий сарфи:				423,6

Агар тармокни ишга тушириш созлаш жараёнда сувнинг бактериологик курсатгичлари давлат стандартлари талабларига жавоб бермаса, концентрацияси 100 мг/л булган хлорли сув билан 2 соат мобайнида зарарсизлантирилади.

Канализация мавжудлиги ва окова сувни окизишга қуйиладиган талаблар.
Уларнинг сифат

курсатгичлари доимий эмас Бу оковаларда кумлар – 2 г/киши-сут; муаллак моддалар 40 г/ киши-сут, хлор бирикмалари 65 г/ киши-сут ни ташкил килади.

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

бет

Курилиш олиб бориладиган майдонда вақтинчалик канализация тизимлари урнатилади. Курилиш тугагач умумканализация тизими курилади ва оковалар тулик биологик усулда тозаланади. У пайтгача бу оковалар бетон ураларда тупланадилар ва уралар тулиши билан уларни туман СЭС такмонидан ажратилган майдонга элтиб окизилади.

в) транспорт (хом –ашёларини ташиш, ер казиш, монтаж ишларини бажариш жараёнида)

Ер ишларини бажаришда $Q = P_1 \cdot P_2 \cdot P_3 \cdot P_4 \cdot G \cdot 10^6 / 3600$, г/с.

P_1 - тупрокнинг чангланиши фракцияси $P_1 = 0.004$

P_2 - аэрозол куринишга утадиган чанг фракцияси $P_2 = 0.003$

P_3 - иш зонасида шамол тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент $P_3 = 1.0$

P_4 -тупрок намлигини ҳисобга олувчи коэффициент $P_4 = 0.7$

G- ер иши миқдори , т/соат

г) пайвандлаш

Мазкур жой курилиши ва ундан фойдаланишда атмосфера ҳавосига зарарли моддалар деярли чиқмайди. Бинолар пойдевори завурни казиш, инженерлик коммуникацияларини монтаж қилиш, таъмирлаш пайтларида кам миқдорда ноорганик чанг, пайвандлаш ускунасидан – пайвандлаш аэрозоли, жумладан, MnO_2 . ва қранли автомобилдан ис газ, азот оксиди, курум ва ҳақозалар ҳавога ажралиб чиқиши мумкин. Бу моддаларнинг ҳавога чиқиш миқдори шунчалик камки, уларнинг атроф муҳитга салбий таъсири сезиларли бўлмайди. Курилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг миқдорини камайтириш мақсадида тез – тез тупрок намлантирилиб турилади ва бу техник сув ҳисобидан амалга оширилади. Масалан, биноларга табиий газ ёки сувни утқизиш пайтида энг қуви билан 5 кг АНО – 4 маркали электрод ишлатилади ва бўнинг натижасида 33,6 г пайвандлаш аэрозоли, 3,9 г марганец оксиди ажралиб чиқади. Шу иш бажарилишига, 67,2 г/йил, 7,8 г/йил марганец оксиди ҳавога чиқарилади.

Бундан куришиб турибдики, бу ерда хавони ифлослантирувчи моддаларнинг микдори санитар – экологик талабларни каноатлантиради.

д) курилиш хом – ашё материалларини ортиш-тушириш ва саклаш давомида ажралиб чиқадиган ифлослантирувчи моддалар.

- кум, шагал-неорганик чанг
- цемент – цемент чанги
- гишт- неорганик чанг

$$Q = \frac{L \cdot B \cdot g}{100} = \frac{0,21 \times 3,4 \times 0,015}{100} = 0,00011 \text{ т/йил}$$

Бу ерда L- хом ашё материалларининг чанг курилишида йукотилиши фоиз ҳисобида L=0,21

B – сакланаётган, ортиладиган – тушириладиган кум, шагал, цемент сарфи т/йил

q-табiiй йуқолиши меъёри, % q=0,015

е) каттик чиқиндилар микдорини аниқлаш, уларни туплаш ва зарарсизлантириш

- Бу чиқиндилар инерт чиқиндилар бўлиб, мактабнинг шимолий шаркида атрофи 1,8 м баландликдаги девор билан уралган махсус ҳудуди бетонлаштирилган майдонда жойлаштирилган ҳажми 1,2 м³ бўлган махсус метал кутиларда тупланади ва шартноа асосида туман ободончилик корхонасига топширилади;
- Курилиш пайтида пайдо бўладиган каттик чиқиндилар микдори 6.1.-жадвалда келтирилган.

6.1. жадвал. Курилиш даврида объектда пайдо бўладиган ишлаб чиқариш каттик чиқиндилари

	Чиқиндилар	улч.бир	меъёр.%	махс.мик,тн.	чиқинди
1	Гишт синиклари	тонна	0.50	210	1.05
2	Бетон ва коришма	тонна	13	120	15.6

3	Ёғоч чикиндилар	м ³	1.5	20	0.30
4	Халталар	тонна	0.6	18	0.11
5	металл чикиндилари	тонна	0.5	140	0.7
6	пластмасса идишлар	тонна	1	9.96	0.09
ЖАМИ					17.76
Маиший каттик чикиндилар					
7	Ишчилар	киши	0.083	15	1.25
		Кг/м ² -			
8	Супринди	кун	0.021	2980	62.58
ЖАМИ					63,83
ХАММАСИ					81,59

8. Курилиш давомида ва ишлаб чикаришда руй бериши мумкин булган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-мухитга таъсирини таҳлил килиш

Объектнинг курилиши ва фаолияти даврида содир булиши мумкин булган халокатли ҳолатлар. Масалан: кум, шагал еки цемент ташиетган автотранспорт воситасида носозлик туфайли курилиш материалининг тукилиши ёкии бошка шунга ухшаш ҳолатлар. Курилишда асосан монтаж ишлари бажарилади. Профнастил ёнмайди, ёпилмани ташишда авария ҳолати эҳтимоли жуда кам. Иккинчидан бу ҳолат вақтинчалик тезда бартараф этилади.

9. Объект курилишининг атроф- мухитга таъсир этиш характери

Курилиш объекти экологик хавфлилиқ тоифаси бўйича III – тоифага мансуб

10. Объект курилишининг атроф-мухитга сальбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар

Монтаж ишларини бажаришда замонавий транспорт воситаларидан ва курилиш материалларидан фойдаланилади. Ёпилма янги материал профнастиладан қилинган.

- Ер ишларини олиб боришда энг замонавай казиш усули кулланилади;

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)	бет
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси	

- Курилиш жараёнида ажралиб чикадиган чангнинг микдорини камайтириш мақсадида тез – тез тупрок намлантирилиб турилади
- Инженерлик коммуникация тармоқларига хизмат курсатиш учун тибий куриқдан
- утган, кудукга техник хизмат курсатиш ва техника хавфсизлиги коидаларни мукамал биладиган ва унга амал қиладиган ёши 18 дан кам бўлмаган ишчиларгагина рухсат берилади.

11.Объект курилишидан сунг ҳудуднинг экологик ҳолатини

олдиндан таҳлил қилиш

Ҳудуднинг экологик ҳолатига объект курилиши салбий таъсир кўрсатмайди.

Объект фаолияти даврида атмосферага углеводородлар ажралиб чиқади. Маҳсулот ёнғинга хавfli шунинг учун албатта ёнғин хавфсизлиги чораларини олдиндан кўзда тутиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати

1. «Табиатни муҳофаза қилиш тугрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни Тошкент, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тугрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Табиат муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Тошкент, 2001 йил.
3. «Сув ва сувдан фойдаланиш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1993 йил.
4. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1996 йил.
5. Курилиш меъёрлари ва қоидалари. ҚМ ва Қ 02.04.01 – 97. Бино ва иншоотларнинг сув таъминоти ва канализацияси. Тошкент, 1997 й.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда республикамизда спорт ва жисмоний маданиятни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Аҳоли, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг аҳамияти катта. Зеро спорт ва жисмоний тарбия нафақат танани, балки руҳни, иродани тарбиялайди.

Жисмоний тарбия ва спорт – аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи-ходим, ўқувчи ва талабаларнинг ишчанлик қобилиятини, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Айнан шунинг учун ҳам мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид қонун ва қарорлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар ва давлат дастурлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда.

«Жисмоний маданият ва спорт тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009-йил 20-январдаги ПҚ-1042 сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2009-йил болалар спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари ва мусиқа ва санъат мактаблари қурилиш манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори... Бу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Бу каби ҳужжатлар ижросини таъминлаш, муҳими, аҳоли ўртасида жисмоний маданият ва спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда спорт иншоотлари ҳам катта аҳамият касб этади. Замон талаблари даражасида жиҳозланган спорт иншооти ҳар бир инсонда спорт билан шуғулланишга иштиёқ уйғота олади.

Спорт иншоотлари бу махсус фаолиятга мўлжалланган кўп қиррали маданий соғломлаштирувчи спорт мажмуаси бўлиб, республикамизда спорт майдонлари, сузиш ҳавзалари, манежлар ва бошқа иншоотлар ўқув машқлар ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш жойларига айланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида спорт иншоотларини барпо этиш умумхалқ дастурига киритилган. Спорт иншоотларини қуришда спорт талаблари эътиборга олинади.

Иншоот, энг аввало, ўқув жараёнига мослаштирилган, махсус вентилатсия, иситиш, ёритиш тизимлари, машғулот жараёнида ишлатиладиган жиҳозлар билан таъминланган бўлиши лозим. Спорт иншоотининг ечими функционал, конструктив, меъморий жиҳатдан уйғунлашган бўлиши муҳим. Янги спорт иншоотларини барпо этишда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилади. Бу иншоотларда саломатликка зарар етказмайдиган, аксинча, уни таъминлашга хизмат қиладиган конструктив, қурилиш материалларидан фойдаланилади.

Янги қурилган иншоотлардан тўғри, самарали фойдаланиш учун жисмоний тарбия ва спорт муаммоларини яхши биладиган ёш мутахассисларга эҳтиёж кўпаймоқда. Шунинг учун спорт иншоотларини режалаштириш, уларни қуришга оид талабларни мукамал эгаллаган кадрларни тайёрлаш замон талабидир. Спорт объектлари ва иншоотларини қуриш ҳамда улардан ратсионал фойдаланиш қоидаларини спорт инструкторлари, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, янги спорт иншоотлари қурилиш бошлиқлари билиши

Шарт.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ходжаев М.С., Толеметов А.А., Нурмухаммедов А.М., Умаров Ж.Х. Спорт иншоотлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2007.
2. Холмирзаев Э.Ж. Спорт ўйинлари ва ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2011.
3. Нигманов Б.Б., Ходжаев П., Рахимкулов К.Д. Спорт ўйинлари ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2011.
4. Мирзакулов Ш.А., Азизов Н., Нуршин Ж.М. Миллий кураш мусобақаларини ўтказиш қоидалари. –Тошкент, 1993.
5. Николеенко А.В. Спортивные сооружения. Справочник для факультета физкультуры пединститута. М., Просвещение, 1976.
6. О.А.Собирова. Болаларга сузишни оьргатиш. Тошкент. «Медисина» нашриёти.
7. О.А.Собирова. «Соғлом боьлай десанг». Тошкент. «Медисина» нашриёти.
8. О.А.Собирова. «Сузиш санъатини оьрганинг». Тошкент. «Медисина» нашриёти.
9. И. Тангиров, А.А.Лепиский. «Сузиш». Тошкент. «Медисина» нашриёти.
10. В.З.Афанасова, А.Р.Воронсова, А.Ж.Булгакова. «Теория и методика плавания». Москва.
11. О.А.Собирова. «Сузиш». Тошкент. «Ибн Сино» нашриёти.
12. В.И.Консулмен. «Плавание».
13. «Техника спортивного плавания». МФИС.
14. О.А.Собирова. «Сузиш ҳаётий зарурий малака ва чиниқтириш омилдир». Тошкент. «Ибн Сино» нашриёт

15. А.Рихсиева, Х.Тоъраев. «Спорт медисинаси асослари». Тошкент.
«Медисина» нашриёти.
16. Н.Х.Булгакова. «Плавание». М., Издательство–С. «Программа плавания».
Москва.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ



(c) allstadium.org







НА СВЯЗИ Вид с крыши Лобных ТелеСистем
Фото: Алексей Радченко, 03.06.2008

